

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚўЛЛАБ-  
ҚУВВАТЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ «МАҲАЛЛА ВА ОИЛА»  
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

---

**ТўРАЕВ ОДИЛЖОН БЕКТЕМИР ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК  
ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун  
тайёрланган диссертация  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

УДК: 316.776.23:159.9(575.1)  
323(575.1)

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
социологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
sociological sciences**

**Тўраев Одилжон Бектемир ўғли**

Ўзбекистонда ёшлар ахборот-психологик хавфсизлиги тизимини  
ривожлантириш жараёнлари..... 3

**Тураев Одилжон Бектемир угли**

Процессы развития системы информационно-психологической  
безопасности молодежи в Узбекистане..... 27

**Turayev Odiljon Bektemir ugli**

The processes of improving system youth's informational-psychological  
security in Uzbekistan ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020.  
Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВ ОДИЛЖОН БЕКТЕМИР ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК  
ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ**

**22.00.02 – Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун  
тайёрланган диссертация  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1. PhD/S78 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.moiti.uz](http://www.moiti.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Латипова Нодира Мухтаржановна**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий опонентлар:**

**Умаров Абдусалом Адилевич**  
социология фанлари доктори, профессор

**Юлдашев Анвар Эргашевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Халқаро ислом академияси**

Диссертация ҳимояси «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «2» июль куни соат 1400 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоилий кўчаси 1-Г уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92 E-mail: [mvaointi@exat.uz](mailto:mvaointi@exat.uz), [mvaointi@gmail.com](mailto:mvaointi@gmail.com).

Диссертация билан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (45 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Исмоилий кўчаси 1-Г уй. Тел.: (71) 267-05-36, факс: (71) 267-03-92 E-mail: [mvaointi@exat.uz](mailto:mvaointi@exat.uz), [mvaointi@gmail.com](mailto:mvaointi@gmail.com).

Диссертация автореферати 2021 йил «17» июнь куни тарқатилди.  
(2021 йил «17» июндаги 1 рақамли реестр баённомаси.)



**Н.М.Эгамбердиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

**Х.Х.Абдураманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иктисодиёт фанлари номзоди, профессор

**Ш.М.Содиқова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё микёсида кечаётган виртуаллашув жараёнлари ўзининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари билан макро ва микро даражада ёшларнинг турмуш тарзи, ижтимоий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ижтимоий муносабатлар ва тафаккур тарзининг ривожланишида таркибий ўзгаришларга олиб келмоқда. Дунё аҳолисининг 59,5 фоизи (4,66 млрд. киши) глобал интернет тармоғи хизматларидан фойдаланиб келмоқда, шундан 90,1 фоизи турли ижтимоий тармоқ ва мессенжерларнинг фаол фойдаланувчиси ҳисобланиб, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади<sup>1</sup>. Интернет тармоғидан оммавий фойдаланиш шароитида ундаги ахборот оқимининг инсон руҳиятига таъсир этиши орқали шахс, жамият, давлат ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсирини глобал даражада минималлаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантиришда меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-техник ва маънавий-психологик тарбия йўналишларида мақсадли изланишлар олиб борилиб, уларда шахс онгини индивидуал ва жамоавий тарзда шакллантиришга шарт-шароитлар яратиш масаласи глобал даражада ЮНЕСКО ва ИФЛА (International Federation of Library Associations) тадқиқотларида<sup>2</sup>, шахсга қаратилган ахборот-психологик таҳдидларни аниқлаш ва бартараф қилиш «Париж дастури ва медиатаълим бўйича 12 тавсия» ҳужжатларида, шахснинг ахборот-психологик таҳдидлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш муаммолари «Ахборот саводхонлиги бўйича Александрия декларацияси»да ҳамда жаҳоннинг йирик илмий марказлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда тизимли таҳлил қилиш заруратини илгари сурмоқда.

Мамлакатимизда ахборотнинг ёшлар онгига манипуляцион таъсири натижасида ахборот соҳасидаги таҳдидларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига таъсирининг ортиши учун қулай шарт-шароит яратиши мумкинлигига эътибор қаратилмоқда. «Ҳозир бутун дунёда терроризм, экстремизм ва бошқа таҳдидлар Интернет маконига кириб, мослашиб олган. Шунинг учун уларга қарши курашиш осон кечмаяпти. Афсуски, баъзи ёшларда Интернетдан тўғри фойдаланиш кўникма ва маданияти етарли эмас. Айрим йигит-қизлар Интернетни ахборот, билим ва маърифат манбаи деб эмас, балки шунчаки кўнгилочар восита деб билишади. Мана шундай мафкуравий кураш шароитида ёшларимиз сезгир ва огоҳ бўлиши, ҳар жабҳада, аввало, Ватан манфаатини

<sup>1</sup> <https://datareportal.com/reports/digital-2021>. Мурожаат санаси: 2021 йил 20 январь.

<sup>2</sup> Состояние исследований по проблемы информационного общества. – СПб., ЮНЕСКО. 2004. – 56 с.; Наука в информационном обществе. – Москва, ЮНЕСКО. 2004. – 87 с.; Мониторинг информационного общества и обществ знаний. – СПб., ЮНЕСКО. 2004. – 134 с.; Этика и права человека в информационном обществе. – Москва: ЮНЕСКО. 2007. – 79 с.; Всемирный саммит по информационному обществу. – Москва, ЮНЕСКО. 2007. – 86 с.

ўйлаб иш тутиши зарур»<sup>3</sup>. Ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатувчи ноанъанавий ахборот-психологик таҳдидларнинг кўпайиб бораётганлиги, ёшларнинг турли деструктив кучлар таъсири остига тушиб қолиш ҳолатларининг кузатилганлиги ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлиги тизимини ривожлантиришда шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларига таяниш, ахборот-психологик хавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ва таснифлаш, уларнинг ёшлар онгига салбий таъсирини олдини олиш ва бартараф этиш, ҳимоя механизмлари мажмуини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш учун тизимли тадқиқотлар олиб бориш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 11 августдаги ПФ-5148-сон «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш тўғрисида», 2018 йил 9 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 22 февралдаги ПФ-5667-сон «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4151-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон «Бутунжаҳон интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантиришга оид изланишлар турли фан намоёндалари томонидан амалга оширилган. Хусусан, хорижлик олимлар Д.Белл<sup>4</sup>; З.Бжезинский<sup>5</sup>лар янги ривожланаётган

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нуткидан.//<https://uza.uz/ru/posts>.

<sup>4</sup> Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования / Д. Белл. – Москва, Академия, 1999. – 956 с.

<sup>5</sup> Brzezinski, Z. The information society as post-industrial society / Z. Brzezinski. Washington, 1983. 148 p

жамиятда ахборотни қабул қилиш ва уни қайта ишлаш борасида эришилган ютуқларни ёритишган. Компьютер технологиялари ривожланиши билан маълумотлар алмашинувининг янги босқичи доирасидаги социологик назариялар XX асрнинг 80-йилларида Й.Масуда томонидан «ахборотлашган жамият» атамаси доирасида тадқиқ этилган<sup>6</sup>. Ахборотлашган жамият назариясининг методологик ишланмаларини У Дайзард<sup>7</sup>, Э.Тоффлер<sup>8</sup> каби олимларнинг ишларида кўриш мумкин. Ахборотлар орқали мулоқот шакли ва жамиятнинг тубдан янги модели сифатида ижтимоий тармоқларни ўрганишнинг назарий ва услубий асослари дастлаб М.Кастельс<sup>9</sup> томонидан тадқиқ этилган. Л.Гордон ва М.Лоеб<sup>10</sup> ўз илмий ишларида ахборот таҳдидларининг психологик таъсирини ёритиб, ушбу ёндашув вакиллари ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашда аҳоли турли қатламларининг қарашлари, касбий ва бошқа ижтимоий ҳолати, фикрлаш тарзидан келиб чиққан ҳолда ёндашган. МДХ олимларидан Л.Хьелл, Д.Зиглер, В.Барцевич, Г.Андреева, В.Андреев, В.Бодров ва В.Вышинский, Т.Ежевская, Г.Грачев, Д.Балуев, А.Крутских, А.Манойло, А.Петренко, Д.Фролов<sup>11</sup> ишларида асосан шахс ахборот-психологик хавфсизлигининг назарий-методологик асослари ҳамда таҳдидлар хусусиятлари ва улардан ҳимояланиш механизмлари, турли усул ва воситалар орқали амалга ошириладиган ахборот манипуляциясининг ижтимоий-психологик таъсирини ўрганган. Ушбу тадқиқотларда жамоатчилик онгини манипуляция қилишдан манфаатдор томонларнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари очиб берилган. Бунда асосий урғу шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилиб, хорижий давлатларнинг шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизими, ушбу соҳадаги миллий манфаатлари,

<sup>6</sup> Masuda, Y. The information society as Postindustrial Society: World Future Society / Y. Masuda. Washington: D.B USA, 1983. – 139 p.

<sup>7</sup> Дайзард У. Наступление информационного века // Новая технократическая волна на Западе / Под ред. П.С. Гуревича. – Москва: Прогресс, 1986. – 343 с.

<sup>8</sup> Тоффлер, Э. Шок будущего, 1970. – Москва, АСТ, 2008. – 560 с.

<sup>9</sup> Кастельс М. Галактика Интернет: Размышления об Интернете, бизнесе и обществе. Екатеринбург, 2004. – 168 с.

<sup>10</sup> Gordon L.A., Loeb M.P. Managing Cybersecurity Resources: A Cost-Benefit Analysis Washington: McGraw-Hill, Inc., 2006. – 203 p.

<sup>11</sup> Хьелл Л., Зиглер Д. Теории личности. – СПб.: Питер, 2003. – 608 с.; Барцевич В.Н. Факторы психологической безопасности школьной среды // Психология и Психотехника, 2012. №6. – С. 169-173; Андреева Г.М. Психология социального познания. – Москва., РАГС, 2004. – 124 с.; Андреев В.А. Современные суггестивные методы психологического воздействия и их возможное использование в психологических операциях // Актуальные проблемы информационно-психологического воздействия: Центр зарубежной военной информации и коммуникации. – Москва: ГШ ВС РФ. №4, 2001. – С. 120-125; Бодров В.А. Информационный стресс. – Москва: Пер Сэ, 2000. – 352 с.; Вышинский В.Г. Использование форм и методов информационно-психологического воздействия в коммерческой деятельности // Актуальные проблемы информационно-психологического воздействия: Центр зарубежной военной информации и коммуникации. – Москва: ГШ ВС РФ. №5, 1998. – С.142-148; Ежевская Т.И. Психологическое воздействие информационной среды на современного человека // Психопедагогика в правоохранительных органах, №4, 2009. – С.99-109.; Грачев Г.В. Личность и общество. Информационно-психологическая безопасность и психологическая защита. – Москва: Пер Сэ, 2012 -198 с.; Балуев Д. Информационная революция и мировая политика. – Москва: Аспект-Пресс, 2002. – С.11-25; Крутских А. Дипломатия и информационно-коммуникационная революция. – Международная жизнь – Москва, №4, 2003, – С. 111-112; Манойло А.В., Петренко А.И., Фролов Д.Б. Государственная информационная политика в условиях информационно-психологической войны. Вып. 2. – Москва: Горячая линия. Телеком. 2006. – 203 с.

уларга таъсир килувчи таҳдидларга қарши курашдаги амалий чора-тадбирлар таҳлил қилинган.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов, М.Ганиева, А.Холбеков, Т.Матибаев, А.Умаров, Ш.Содиқова, О.Абдуазимовлар ўз тадқиқотларида глобаллашув ва ижтимоий ўзгаришлар шароитида ёшларга таъсир килувчи ахборот оқимларини социологик нуқтаи назардан ўрганган бўлса<sup>12</sup>, ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилишда миллий ғоя ва миллий мафкуранинг ўрни борасида Ш.Тўраев ва А.Ташановлар<sup>13</sup> томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Замонавий оммавий ахборот-коммуникация воситаларининг инсон онгига таъсири Ш.Қудратхўжаев<sup>14</sup>, интернетдаги таҳдидлардан ҳимояланиш масалалари А.Тулепов<sup>15</sup>, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг педагогик асослари Р.Самаров<sup>16</sup>, ахборотлашган жамият ва шахс ахборот маданиятини шакллантириш муаммолари А.Мўминов<sup>17</sup> томонидан ўрганилган. Шунингдек, М.Мунавваров У.Убайдуллаев ва А.Юлдашевларнинг<sup>18</sup> илмий ишларида шахс ахборот-психологик хавфсизлиги тизими ва ундаги муаммоларнинг ижтимоий оқибатлари илмий таҳлил этилган.

Юқоридаги олимларнинг илмий тадқиқотларида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг назарий-методологик жиҳатлари, Ўзбекистонда ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги миллий манфаатлар, тизимни ривожлантиришга оид хорижий тажриба, истиқболли йўналишлар таҳлил этилган. Бироқ, ёшлар ахборот-психологик хавфсизлиги тизимини ривожлантириш жараёнлари социологик тадқиқотлар орқали етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги мазкур мавзуда чуқур илмий изланиш олиб боришни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация

<sup>12</sup> Бекмуродов М. Замонавий бошқарув социологияси. Дарслик. – Тошкент: Академия, 2020. – 320 б.; Ганиева М. Социальная активность современной узбекистанской молодёжи / East European Scientific Journal. 6(№31), -Р. 40-44. Холбеков А. Социология молодёжи. Учебное пособие. – Тошкент: Университет, 2020. – 144 с.; Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. – Тошкент: “Yangi kitob”, 2016, – 184 б.; Умаров А. Глобаллашув ва ахборот-кутубхона жараёнлари / Kutubxona.uz. илмий-услубий журнал №2 (46) 2020. – Б. 9.; Содиқова Ш. Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Академия, 2020. – 160 б.; Абдуазимов О. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни (Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг 2001-2016 йиллардаги материаллари мисолида). соц. ф.д. дисс...автореф. -Тошкент: 2017. – Б. 63.

<sup>13</sup> Тўраев Ш. Миллий ғоянинг инновацион тарғибот технологиялари ва ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилишнинг замонавий усуллари – Тошкент: Турон замин зиё 2016 - 96 б.; Ташанов А. Вайронкор ва бузғунчи ғоялар – Тошкент: Турон замин зиё 2015 - 400 б.

<sup>14</sup> Қудратхўжаев Ш.Т. Интернет ва атом: яратилиш тарихи, ривожланиш боскичлари, замонавий таъсирлар // Жамият бошқаруви, 2010, 1-сон. – Б. 39.

<sup>15</sup> Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя – Тошкент: Мовароуннахр 2016. - 310 б.

<sup>16</sup> Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма) Тошкент: 2015. - 91 б.

<sup>17</sup> Мўминов А. Ахборотлашган жамият ва шахс ахборот маданиятини шакллантириш муаммолари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2012 № 3 – Б. 148.

<sup>18</sup> Мунавваров М. Императивы внешней политики Республики Узбекистан в условиях глобализации и информатизации международных процессов. – Тошкент: АГОС, 2007. – 69 с.; Убайдуллаев У. Информационная безопасность как элемент национальной безопасности. – Тошкент: 2002. – 76 с.; Юлдашев А. Основы информационной безопасности Республики Узбекистан – Тошкент: Академия, 2006. – 153 с.

тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017093020 – «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«ахборот-психологик хавфсизлик» тушунчасининг моҳиятини таҳлил қилиш;

ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизимининг таркибий элементларини ўрганиш;

замонавий шароитда ёшлар онгини яширин шакллантиришга қаратилган ахборот-психологик технологиялар таъсирини тадқиқ этиш

ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдид солувчи интернет ва компьютер ўйинлари контентини таҳлил қилиш;

жамият виртуаллашувининг оилавий муносабатларга таъсирини тадқиқ қилиш;

ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш юзасидан хориж тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистонда ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизимига таъсир кўрсатувчи омиллар ва уларнинг кўрсаткичларини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон ёшларининг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизими ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари ва ушбу фаолиятда юзага келувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тизимли таҳлил, омилли таҳлил, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, терминологик таҳлил, ретроспектив таҳлил, динамикада ўрганиш, моделлаштириш, индикатив ёндашув, маълумотларни таснифлаш, таққослаш, интервью, анкетали сўровнома, эксперт сўрови усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ёшларнинг ахборот-психологик иммунитетини ижтимоий институтлар орқали шакллантириш услубиятини такомиллаштиришда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий алгоритминини мустаҳкамлаш зарурияти асослаб берилган;

ахборот воситасида қонунга хилоф равишда ёшларга руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳамда уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан химоя қилишда таълимни, маданият ва санъатни, оммавий ахборот воситаларини

ривожлантириш орқали ёшларнинг маънавий-психологик салоҳиятини ошириб бориш зарурияти асослаб берилган;

интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга оид меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш орқали ёшлар онгини эгаллашга қаратилган замонавий ахборот-психологик технологиялар (троллинг, кибербуллинг, манипуляция, кашенизм, социал инженерия ҳамда интернет аддикцияси)га асосланган таҳдидларга қарши курашнинг ташкилий-ҳуқуқий таомили такомиллаштирилган;

ахборот-психологик таҳдидлар ва виртуал аддикция таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли юқори бўлган ёшларнинг ижтимоий портретини яратиш юзасидан социологик сўровноманинг ғайриижтимоий турмуш тарзи (суицидал, девиант, агрессив, криминал, аддиктив) кўринишларини баҳолашга модификациялаштирилган («Ахборотли Мен» образининг шаклланиш эҳтимоли, психологик носоғлом синдромларнинг мувжудлик эҳтимоли, субмаданий хулқ кўринишларининг ривожланганлик даражаси) шакли ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«ахборот-психологик хавфсизлик» ва «ахборот-психологик иммунитет» тушунчалари ўзаро боғлиқликда илмий-амалий тавсифланиб, терминологик таҳлил асосида уларга муаллифлик таърифининг варианты ишлаб чиқилган;

ёшлар ахборот-психологик хавфсизлиги тизимининг концептуал асослари, тизим самарадорлигини баҳолаш индикаторлари, уларнинг чегаравий қийматлари асосида эҳтимолий модели тавсия этилган;

ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг шаклланиш босқичлари кесимида уларни бартараф қилишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ижтимоий тармоқ ва месенжерлардаги ахборот оқимини мониторинг қилишга оид ёндашувлар асосида Интернетнинг ўзбек тилли сигментида контент таҳлилни қўллаш юзасидан амалий хулосалар берилган;

социологик таҳлиллар асосида ахборот-психологик таҳдидлар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли юқори бўлган ёшларнинг ижтимоий портрети яратилиб, илмий-амалий хулосалар берилган;

жамият виртуаллашувининг оилавий муносабатларга таъсир этиш даражалари оила аъзоларининг биргаликдаги турмуш даври кесимидаги эмпирик таҳлили асосида оила институти мисолида ёшларнинг ахборот-психологик таҳдидлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш таомили юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро илмий-услубий ва илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, сўровлар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистонда ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш йўналишлари юзасидан билдирилган илмий-назарий хулосалардан ахборотнинг ёшлар онгига, турмуш тарзига таъсирини баҳолаш ва ахборот-психологик хавфсизлик тизимини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация ишининг ғоя ва материалларидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказиладиган социологик тадқиқотларда, Ўзбекистон Миллий университетида «5A210102 – Ижтимоий тизим ва жараёнларнинг ахборот ва психологик хавфсизлиги» магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашда, ушбу мутахассисликнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитишда фойдаланиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёшларнинг ахборот-психологик иммунитетни ижтимоий институтлар орқали ривожлантириш услубиятини такомиллаштиришга оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5667-сон Фармонининг 2-банди «а» ва «г» қисмларини ишлаб чиқишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш Марказининг 2021 йил 22-февралдаги 01-16/65 сонли маълумотномаси). Бу оилада ёшларнинг ахборот-психологик иммунитетини ижтимоий институтлар орқали оширишга шарт-шароит яратиб, мазкур жараёнлар билан боғлиқ ҳолатларни социологик тадқиқотлар орқали ўрганиш имкониятларини кенгайтирган;

ахборот воситасида қонунга хилоф равишда ёшларга руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳамда уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш йўналишларини такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 5-йўналиши доирасида чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгашининг 2021 йил 5-мартдаги 11-2-894 сонли маълумотномаси) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 сентябрдаги 550-сонли Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги тўғрисидаги Низомнинг 12-банди «г» қисми 5-хатбошисини тайёрлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 15 февралдаги 2-094-23-364 сонли маълумотномаси).

Бу орқали ахборот ва ахборот-психологик хавфсизлик тизимини ривожлантириш ҳамда ёш авлодда зарарли ахборотларга нисбатан иммунитетни шакллантириш учун ёшлар орасида маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш имкони яратилган;

интернет жаҳон ахборот тармоғида, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга оид меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга оид таклифлари 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 18- ва 36-бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгашининг 2021 йил 5-мартдаги 11-2-894 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида Давлат дастурининг юқоридаги бандлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини тайёрлашга имконият яратилган;

ахборот-психологик таҳдидлар ва виртуал аддикция таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли юқори бўлган ёшларнинг ижтимоий портретини яратиш юзасидан социологик сўровноманинг модификациялаштирилган шаклларини қўллашга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сонли «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 5-банди «г» қисмини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг 2021 йил 15 февралдаги 2-094-23-364 сонли маълумотномаси). Бу мамлакатда ёшлар муаммоларини социологик сўровлар орқали ўрганишда уларнинг ижтимоий портретини яратишга қаратилган модификациялаштирилган тадқиқот сўровномаларидан фойдаланиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари 3 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 7 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий, 1 та хорижий журналларда, 3 та халқаро конференция, 10 та республика миқёсида ташкиллаштирилган илмий-амалий конференция ва семинарлар материалларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 150 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий

янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, объекти, предмети, усуллари асосланган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Шахснинг ахборот-психологик хавфсизлигини тадқиқ этишнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида «ахборот-психологик хавфсизлик» тушунчаси ва унинг моҳияти, ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш тизимининг таркибий элементлари ёритилган. Шахс ахборот-психологик таъсирнинг асосий объекти сифатида олиб борилган тадқиқотларнинг шарҳи ҳамда назарий-методологик ёндашувлар келтирилган. Шунингдек, «ахборот-психологик хавфсизлик» тушунчаси бўйича муаллифлик ёндашуви баён этилиб, ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш зарурати ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Маълумки, ахборот деганда, манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар шахслар, нарсалар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар тушунилади<sup>19</sup>. Бу жараёнда ахборотнинг барча умумий хусусиятлари, ахборот алмашинуви жараёнининг ҳодиса сифатидаги моҳиятини тадқиқ этиш мақсадида ҳар қандай жараён учун типик бўлган жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Ахборотнинг моҳияти – хабар белгиларида эмас, балки ахборот алмашинуви иштирокчиларининг ташкилий тайёргарлиги даражасига ҳам боғлиқ ҳисобланади<sup>20</sup>.

Ахборот алмашинуви шароитида турли манфаатдорлар томонидан аниқ бир объектга қаратилган таҳдидлар амалга оширилиши мумкин. Таҳдид – хавфнинг энг олий даражаси бўлиб, унда нафақат яққол ният, балки хавфсизлик объектига бевосита зиён етказиш қобилияти ва тайёргарлик намоён бўлади<sup>21</sup>.

Ахборот-психологик таҳдид манбалари ўз хусусиятларига кўра, шахснинг биосоциал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, инсоннинг руҳий ўзига хос томонлари мослаштириб шакллантирилган бўлади. Ахборот-психологик хавфсизликка таъсир қилувчи таҳдидларни шартли равишда икки гуруҳга, яъни ички ва ташқи таҳдидларга ажратиш мумкин.

Ташқи омиллар таъсиридаги таҳдидларга, асосан, сиёсий нуқтаи-назардан давлатлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувидан келиб чиқадиган қарама-қаршилиқлар сабаб бўлиб, жамият аъзолари ҳам ушбу қарама-қаршилиқнинг бевосита иштирокчиларига айланади.


Ички таҳдидларга жамиятдаги кишилар ўртасидаги оддий маиший қарама-қаршилиқлардан тортиб, сиёсий курашларда қўлланиладиган таъсир этиш технологияларини мисол қилиб келтириш мумкин. Бошқача қилиб

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни <https://www.lex.uz/acts/52268> Мурожаат санаси: 25.01.2020 й.

<sup>20</sup> Булацкий Г.В., Прилюк Ю.Д. Социология общения. – Минск: Университет, 1987. – С.16-17.

<sup>21</sup> Бобокулов И. Хавфсизлик луғат. – Тошкент: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. – Б. 48.

айтганда, ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилувчи кишилар ёки гуруҳ томонидан ўз мақсадларига эришиш йўлида бошқа бир кишиларга ёки гуруҳга таҳдид этиш ёки таъсир этиш билан зарар етказишга уринишини тушуниш мумкин<sup>22</sup>.



**1-расм. Ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш концептуал моделининг мезонлари ва тамойиллари<sup>23</sup>**

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида ахборот борасидаги хавфсизлик ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати сифатида эътироф этилган<sup>24</sup>. Илмий ёндашувларда эса, инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидалари, эътиқодини ўзгартирувчи бузғунчи ғоялардан асраш тушунилади<sup>25</sup>.

Ахборот-психологик хавфсизлик тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг ҳимоя объекти ахборот эмас, балки инсон руҳияти

<sup>22</sup> Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя – Тошкент: Мовароуннахр, 2016. – Б. 296.

<sup>23</sup> Мазкур концептуал модулни мезонлари ва тамойиллари соҳа мутахассислари ва экспертларнинг фикри, назарий таҳлиллар, шунингдек тадқиқот давомида олинган маълумотлар таҳлили натижасида ишлаб чиқилган.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни <https://www.lex.uz/acts/52268> мурожаат санаси: 25.01.2020 й.

<sup>25</sup> Грачев Г.В. Личность и общество. Информационно-психологическая безопасность и психологическая защита. – Москва, Пер Сэ, 2012 – С. 19.

ҳисобланиб, бунда шахсдан ахборот олинмайди, аксинча, онгининг шаклланишига таъсир кўрсатилиб, унинг асосини ташкил қилувчи сифатлар, кадриятлар, ижтимоий-психологик меъёрлар ўзгартирилади. Натижада шахснинг маънавий-психологик шаклланишига зарар етказилади.

Ахборот-техник хавфсизликнинг объекти ахборот бўлиб, асосий таҳдид фойдаланишга рухсат этилмаган субъект томонидан ахборотни қўлга киритиш, бузиш, йўқ қилиш, ўзгартириб кўрсатиш ҳисобланса, ахборот-мафкуравий хавфсизлик тизимида таҳдид сифатида жамиятда ижтимоий норозиликларни келтириб чиқариш, давлат тузумини ўзгартириш, миллатлараро тотувликни бузиш, аҳолини маънавий жихатдан қашшоқлаштиришга қаратилган сиёсий ва мафкуравий ахборотлар оқими тушунилади.

Шу нуқтаи назардан, ахборот-мафкуравий хавфсизлик ахборот-психологик хавфсизликнинг мантикий давоми бўлиб, ахборотнинг шахс онгига таъсири дастлаб тафаккур тарзи, хулқ-атворида намоён бўлади ва шахс психологияси, ижтимоий табиатининг ўзгаришига олиб келади. Бу ўз навбатида, шахснинг сиёсий ижтимоийлашувида ҳам акс этади.

Бундан ташқари, ахборот-техник воситаларнинг ривожланиши натижасида шахс онгини эгаллашга қаратилган таҳдидлар кўпая бошлади. Бу ҳолат ахборот-психологик хавфсизликнинг психологик, социологик, сиёсий ёндашувлар негизида тармоқ сифатида юзага келишига олиб келди.

Умуман олганда, “ахборот-психологик хавфсизлик” тушунчасига нисбатан ёндашувларда ҳимоя объекти сифатида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини, ахборотнинг ўзини, инсон психикасини, унга сингдирилган мафкура ва ғояни белгилаш кенг тарқалган. Бизнинг фикримизча, “ахборот-психологик хавфсизлик” тушунчасига нисбатан ёндашувда ахборотни ҳимоя объекти ёки предмети сифатида қараш масаланинг мазмун-моҳиятини ахборот хавфсизлигининг бошқа таг тизими – ахборот-техник хавфсизлик билан назарий фарқларнинг йўқолишига олиб келади. Шу сабабли ахборотнинг ўзи ахборот-психологик хавфсизликнинг объекти бўла олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ахборот-психологик хавфсизликни таърифлашда тизимга қарши қаратилган таҳдидларнинг пайдо бўлиш табиатига кўра, манфаатларга асосланиши, кўзланган мақсад асосида бўлишини, келиб чиқиш манбасига кўра, ташқи ва ички бўлишини, улар орқали келадиган зарарнинг ҳам моддий, ҳам маънавий аҳамият касб этишини, таҳдидлардан ҳимоя объекти инсон онги (психикаси) эканлигини ҳисобга олиш керак.

Мавжуд ёндашувларнинг терминологик таҳлили натижасида ахборот-психологик хавфсизлик тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: Ахборот-психологик хавфсизлик – шахс, жамият ва давлатнинг ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашга қаратилган манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати ҳамда салбий ахборот-психологик таъсирларига қарши туриш, уларнинг маънавий-психологик шаклланиши учун яратилган шарт-шароитлар мажмуи.

Давлат ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш орқали ўзининг ижтимоий-иқтисодий потенциални ривожлантириб боради,

шунингдек, ахборот соҳасидаги давлат сиёсатини тартибга солади. Қолаверса, ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг оқибати давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига зид ҳисобланади. Шу сабабли, шахс руҳиятининг ҳимояси, ижтимоий гуруҳларнинг жамоавий онгининг шаклланишига ҳамда ривожланишига шарт-шароит яратиш ва бу борада салбий таъсир қилувчи ҳар қандай таҳдиддан ўз вақтида ҳимоялаш, шахснинг ахборот маконидаги ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш давлатнинг шахс ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлашдаги мақсади ҳисобланади.

Юқоридаги масалада таҳдид предмети ёшларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи ахборот бўлиб, ушбу йўналишдаги ёшларнинг ҳаётий муҳим манфаатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахснинг ахборот олиш, фойдаланиш ва тарқатиш тўғрисидаги конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш;

- маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини сақлаб қолиш, ахборот орқали уни ривожлантириш;

- деструктив ахборот-психологик таъсирдан ишончли ҳимояланиш.

Ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдид субъектлари хилма-хил кўринишга эга бўлиб, улар у ёки бу жиҳатдан мамлакат ташқарисидаги баъзи кучлар билан боғлиқ.

Ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдидлар қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

I босқич. Норозилар қатламини шакллантириш. Ушбу босқичда ахборот орқали шахснинг давлат раҳбари, ҳукумат фаолияти ва мамлакатдаги сиёсий жараёнларга нисбатан фикри ўзгартирилади.

II босқич. Шахснинг ижтимоий хусусиятларини ўзгартириш. Бунда шахснинг маданияти, хулқи, ахлоқий қарашлари, турмуш тарзи ва фикрлаши ўзгартирилади.

III босқич. Ёшлар онгини психологик бошқариш босқичи. Биринчи ва иккинчи босқичда сингдирилган ғоялар натижасида ўз хатти-ҳаракатини хавф субъектларининг манфаатларига мос равишда амалга оширади.

Диссертациянинг **«Жамият ахборотлашишининг замонавий босқичида ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигини таъминлаш муаммолари»** деб номланган иккинчи бобида замонавий шароитда ёшлар онгини яширин шакллантиришга қаратилган ахборот-психологик технологиялар, ёшлар ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдид солувчи интернет ва компьютер ўйинлари, жамият ҳаёти виртуаллашувининг оилавий муносабатларга таъсири социологик тадқиқот натижалари асосида таҳлил қилинган.

«ICTNEWS» маълумотларига қараганда, 2019 йилда замонавий ахборот платформалари, ижтимоий тармоқлар, мессенжерлар ва видео-хостинг платформаларининг жаҳон миқёсида оммалашиб, фойдаланувчиларнинг сони «Facebook»да - 2,3 млрд, «WhatsApp»да - 1,5 млрд, «YouTube»да - 1,5 млрд, «Facebook Messenger»да - 1,3 млрд, «Instagram»да - 813 млн, «Tumblr»да - 794 млн, «QQ»да - 783 млн, «WeChat»да - 980 млн, «Qzone»да - 563 млн,

«Sina Weibo»да - 392 млн. кишига етган<sup>26</sup>. Пандемия шароитида эса, мазкур платформаларнинг оммалашиш тенденциясида кескин ўсиш кузатилган.

2020 йил январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда Интернет фойдаланувчилари жами аҳолининг 67 % ёки 22,5 млн нафарни ташкил қилмоқда. Шунингдек, мобил тармоқ орқали Интернетдан фойдаланувчилар мамлакат аҳолисининг 76 % қисмини ёки 25,14 млн нафарни ташкил қилади. Шундан 3,2 млн нафари ижтимоий тармоқлардан доимий равишда фаол фойдаланиб келмоқда. Мазкур кўрсаткич 2019 йил январь ҳолатига нисбатан 30 % юқори бўлиб, 972 минг нафарга ортган<sup>27</sup>.

Шу нуқтаи назардан ёшлар онгига ахборот орқали таъсир кўрсатиш механизмлари илмий таҳлил қилинганда уларни ёшларнинг руҳиятига, турмуш тарзига ва сиёсий ижтимоийлашувига таъсиридан келиб қуйидагича таснифлаш мумкин (2-расм)



**2-расм. Ёшлар онгини эгаллашга қаратилган замонавий ахборот-психологик технологиялар<sup>28</sup>**

Ҳозирги кунда юртимизда ёшлар учун чоп этиладиган 180 дан ортиқ газета ва журналлар мавжуд бўлишига қарамасдан, [www.nmc.uz](http://www.nmc.uz) ҳамда [www.intarget.uz](http://www.intarget.uz) сайтлари томонидан ҳамкорликда ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон ёшларининг 80 фоизи янги маълумотларни мобил телефонлардан фойдаланган ҳолда интернет тармоғи орқали олаётганлигини кўрсатмоқда<sup>29</sup>.

Диссертация доирасида олиб борилган социологик тадқиқот таҳлили ҳозирги кунда ёшларнинг 89 фоизи қисми ахборот манбаси сифатида Интернетга мурожаат қилаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, фойдаланилаётган ахборот манбаларининг катта қисми «Телеграм»,

<sup>26</sup> Издание ICTNEWS. Инфографика Мир социальных сетей. Новостная статья. – URL - <https://ictnews.uz/31/05/2019/socnetwrld/>

<sup>27</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги маълумотлари асосида таҳлил қилинган.

<sup>28</sup> Мазкур чизма таҳлил натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>29</sup> <https://nmc.uz/novosti/novye-vozmozhnosti-dlya-razvitiya-marketinga-v-tsentranoj-azii.htm>

«Facebook», «Twitter», «Instagram», «Одноклассники» каби ижтимоий тармоқлар ва видео, аудио порталларга тўғри келади. Ижтимоий тармоқларда ўтказилган контент таҳлил натижалари юқоридаги тармоқлардаги маълумотларнинг 10 фоизи шахсга ҳеч қандай зарар келтирмаслиги, аксинча, унинг илмий, маданий ва маърифий салоҳиятларини, билим даражасини оширишга хизмат қилувчи маълумотлар эканлиги аниқланди. Ижтимоий тармоқлардаги қолган 90 фоиз маълумотлар билан ишлаганда ахборот-психологик таҳдидларга нисбатан шахсда иммунитет бўлиши лозимлиги аниқланган. Шундагина шахс юқоридаги маълумотларни саралаш, таҳлил қилиш, унга баҳо бериш, керакли маълумотлар орқали билим ва маънавий озуқа олиш имкониятига эга бўлади.

«Newzoo» халқаро кўнгилочар саноат ташкилотининг «Global Games Market Report»даги ҳисоботида кўра, 2019 йилда жаҳондаги геймерлар (компьютер ўйинларини мунтазам ўйнаб боровчилар) сони қарийб 2,4 млрд. кишини ташкил қилган. Мазкур кўрсаткич дунё аҳолисининг 31 фоиздан ортиқроғи компьютер ўйинларини ўйнаб келаётганлигини билдиради<sup>30</sup>.

Компьютер ўйинлари саноати Ўзбекистонда институционал даражада тўлиқ шаклланиб улгурмаганлиги сабабли, мазкур соҳани тартибга солишдаги баъзи ташкилий-ҳуқуқий муаммолар ўйинлар орқали шахс ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдидларнинг сақланиб қолишига олиб келмоқда.

Компьютер ва мобил ўйинлар орқали шахс ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдидлар таъсирида шахс хулқи, турмуш тарзи, ижтимоий меъёрлари, субмаданияти ўзгариб боради.

Мазкур таъсирни баҳолаш юзасидан эксперт сўрови асосидаги социологик тадқиқот ўтказилди<sup>31</sup>. Тадқиқот доирасида эксперт сифатида психолог, социолог, педагог, ахборот технологиялари, тадбиркорлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи соҳа ходимларидан иборат 21 нафар мутахассислар фикрлари ўрганилди. Экспертлар фикрича, ёшлар орасида оммавий бўлган компьютер ўйинларининг 43 фоизи криминал турмуш тарзини (Manhunt, Hitman, Rapelay ва бошқалар), 30 фоизи девиантликни (GTA, Mass Effect, Bone Town ва бошқалар), 27 фоизи гемблингни (Casino, Poker, LineAge ва бошқалар), 27 фоизи агрессив турмуш тарзни (Mafia II, Call of Duty, Assassin's Creed, Fallout ва бошқалар), 11 фоизи эса суицидал турмуш тарзни (Кўк кит, Туз ва муз, Ever Quest, Bio Shock ва бошқалар) келтириб чиқарувчи ўйинлар экани аниқланган.

Ахборотнинг глобаллашуви шароитида компьютер ўйинлари орқали ёшлар онгини яширин шакллантириш табиий жараён ҳисобланади. Шу сабабли социологик тадқиқот натижалари Ўзбекистон ёшлари орасидаги геймер шахсини ижтимоий портретлаштириш заруриятини юзага келтирмоқда. Ўзбекистонда тарқалган компьютер ўйинлари таҳлил қилинган ва ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдид тавсифидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таснифланди: (1-жадвал)

<sup>30</sup> <https://newzoo.com/insights/trend-reports/newzoo-global-games-market-report-2019-light-version/>

<sup>31</sup> Эксперт сўрови 2019 йилда ўтказилган. Экспертлар хулосалари умумлаштирилган ҳолда баён этилган.

Компьютер ўйинларининг салбий оқибатларининг олдини олишда ҳамда ахборот-психологик иммунитетни шакллантиришда ижтимоий институтлар муҳим роль ўйнаши ҳисобга олиниб, жамият виртуаллашувининг оилавий муносабатларга таъсири ўрганилди.

Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш, ота-оналар томонидан ишда узоқ вақт сарфланиши ва фарзанд тарбиясига кам вақт ажратиши туфайли оила аъзоларининг бир-биридан руҳий жихатдан узоқлашишига олиб келади.

#### 1-жадвал

### Ёшларнинг ахборот-психологик хавфсизлигига таҳдид солувчи компьютер ўйинларининг ғайриижтимоий турмуш тарзи кўринишларини шакллантириш кесимидаги таснифи<sup>32</sup>

| Т/р | Турмуш тарзи<br>кўриниши | Компьютер ўйинлари                                                                                                         |
|-----|--------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1.  | Суицидал                 | Синий кит, Ever Quest, BioShock, Indigo Prophecy, This War Of Mine, Undertale.                                             |
| 2.  | Девиант                  | The Grand Theft Auto, Mass Effect, Bone Town, Heavy Rain, The Godfather II, The Sims, Dante's Inferno, Redemption.         |
| 3.  | Агрессив                 | Medal of Honor, Kane and Lynch 2, Call of Duty, Mafia II, Postal, Phantasmagoria, Dead Space, Naughty Bear, Mortal Kombat. |
| 4.  | Криминал                 | Manhunt, Hitman, Hatred, RapeLay, Darksiders, Battlefield, Mad World, Dead by Daylight, God of War, The Punisher           |
| 5.  | Гэмблинг-<br>аддиктив    | Pokemon Go, Warface, Lineage, World of Tanks, Азино 777, Вулкан Казино, Poker, Gold Fishka, World of Warcraft, DotA.       |

Сўнгги маълумотларга кўра, барча мамлакатларда никоҳ даражаси пасайиб, оилавий ажралишлар сони ўсиб бормоқда. Интернетдаги хиёнат ажралишнинг асосий сабабларидан бирига айланмоқда. Хусусан, Германияда ҳар тўртинчи турмуш қурган жуфтликлар шу сабабли ажралмоқда. Россия ва Украинадаги никоҳларнинг деярли учдан бир қисми ижтимоий тармоқлар таъсирида инқирозни бошдан кечирмоқда. Ижтимоий тармоқлардан тўғри фойдалана олмаслик сабабли, турмуш ўртоқлар ўртасида тушунмовчилик мавжуд.

Ўзбекистонда никоҳ кўрсаткичлари бошқа давлатларга нисбатан барқарор ҳисобланиб, ҳар йили республикада ўртача 320 мингдан ортиқ никоҳ тузилади. Айни вақтда, ажралишлар муаммоси республиканинг айрим ҳудудлари учун ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. 2019 йилда ажралишлар сонининг никоҳга нисбати бўйича энг ёмон ҳолат Тошкент шаҳри (21,5%), Тошкент (14,0%), Сирдарё (12,9%), Андижон (12,2%) ва Бухоро (10,8%) вилоятларида кузатилган<sup>33</sup>.

Юқоридаги масалани чуқурроқ тадқиқ қилиш мақсадида турли ёш тоифасидаги оилаларга интернет ва ижтимоий тармоқлар қай даражада таъсир

<sup>32</sup> Мазкур жадвал муаллиф томонидан ўтказилган эксперт сўрови натижалари ҳамда Ж.Б.Ўлдашевнинг “Ўзбекистон Республикасида компьютер ўйинлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш муаммолари” мавзуси доирасида ўтказилган социологик сўров натижаларининг қиёсий таҳлили асосида шакллантирилган.


<sup>33</sup> www.stat.uz

этаётганлиги аниқлаш мақсадида Фарғона, Жиззах вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги 113 та оиланинг 226 аёл ва эркакларидан социологик тадқиқот ўтказилди<sup>34</sup>.

